



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 31 октябрь, № 215 (4368)

Чоршанба



Ислохот

Мамлакатимиз энгил саноат тизимида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар туфайли юртимизда етиштирилаётган пиллани тўлиқ ўзимизда қайта ишлашга эришиляпти. Соҳада хориж инвестицияси ҳисобига янги корхоналар ташкил этилаётгани, мавжудлари тубдан қайта реконструкция қилиниб, замонавий дастгоҳлар ўрнатилаётгани бу жараёнда қўл келаётир.

НАМАНГАН ИПАГИ ЖАҲОНГА ЧИҚАДИ

Яқинда Наманган шаҳрида иш бошлаган "Helix-Silk LTD" Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси бу борадаги ишларнинг узвий давомидир.


Устав жамғармаси бир миллион АҚШ долларига тенг бўлган мазкур корхонада йилга 300 тонна пилла қайта ишланиб, ундан 97 тонна юқори сифатли, жаҳон бозорига харидорсиз ипак олинади. Бунинг учун тўғридан-тўғри инвестиция жалб қилиш эвазига умумий қиймати 572,5 миң АҚШ долларлик замонавий қайта ишлаш дастгоҳлари келтирилди. Айни пайтда уларни сошлаш, синаш ишлари олиб борилаётган.

Қувончлиси, 200 киши меҳнат қиладиган янги корхона маҳсулотларининг 70 фоизи бир қатор хориж давлатларига экспорт қилинади.

СУРАТДА: қўшма корхона ипак ўрвачиси Умида Маматова.

Хотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган сурат.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



КОНВЕНЦИЯ ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимида Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг ижросига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Мазкур қўмита раиси А.Саидов бошқарган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, бошқарма ва ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашдилар.

Йиғилишда номи зикр этилган Конвенциянинг ижросига оид ишларнинг барчаси давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва ирил жорий этилаётган Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ва «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури асосида амалга оширилаётганлиги ўзининг ижобий самараларини бераётгани алоҳида таъкидланди. Ҳозир мамлакатимизда салкам 10 миңга яқин мактаб фаолият юритмоқда. Ушбу умумтаълим муассасаларида 450 миңдан зиёд педагог 5,5 миллион нафарга яқин болага таълим-тарбия бермоқда.

Вазирлик тизимида болаларга таълим бериш сифатини янада юксак поғонага кўтариш, уларнинг таълим олиш бора-бора ҳуқуқини тўла таъминлаш, соғлом авлоднинг камол топтириш учун қўлай шарт-шароит яратилган. Ҳар бир боланинг таълимдан баҳраманд бўлиши таъминланмоқда. Болалар таълим олиши ва касб-хунар ўрганиши учун кенг имконият яратилган.

Давлат таълими андозалари, ўқув методик база, янги дарсликлар барча мактабларга етказиб берилмоқда ва улар муттасил такомиллаштирилмоқда. Қўлаб ўқув-лаборатория усуналари ва компьютер техникаси билан жиҳозланган замонавий таълим муассасалари фойдаланишга топширилаётир.

Мажлисида бу борадаги мавжуд айрим камчилик ва муаммоларга эътибор қаратилиб, уларни ҳал этиш йўллари юзасидан тавсиялар берилиди. (ЎЗА).

МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ ЙИГИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Давлат солиқ қўмитаси маъсул ходимлари иштирокида Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар мувофиқлаштирувчи кенгашининг йиғилиши бўлди.

Унда диний экстремистик ва ақидадарастлик гоғлари билан йўғрилган материалларни тайёрлаш ва тарқатиш, талончилик, босқинчилик ва гуруҳлар томонидан содир этилган жиноятлар, одамлардан фойдаланиш учун қонунга хилоф равишда уларни ёллаш, одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар-

нинг олдини олишга қаратилган қонунлар ижроси ҳамда жиноят ишлари бўйича дастлабки терговни тўхтатиш тўғрисидаги қарорларнинг қонунийлиги билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

(Давоми 2-бетда).

МЕЛИОРАЦИЯ — ЕРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ДЕМАК

Пахта, галла ва бошқа қишлоқ ҳўжалик экинларининг ҳосилдорлиги ернинг мелиоратив ҳолатига боғлиқ. Айниқса, чўлда ўлаштирилган ерларда деҳқончилик қилаётган киши буни яхши билади. Зовур-дренаж тармоқлари тозаланмаган ҳудудларда ер ости суви кўтарилади, шўр босган майдонлардаги экиннинг ҳосилида барака бўлмайди.

Биз буни Қарши чўли ҳудудига жойлашган туманлар мисолида яқоқ кўришимиз мумкин. Энг кўп пахта берадиган Нишон, Косон, Муборак, Миришкор туманларида собиқ шўро тизими инқирозга юз тузган даврларда ҳосилдорлик тобора камайиб борди. Сабаби, экин майдонларининг мелиоратив ҳолати ёмонлашган эди. Оқиб ва ёпиқ коллекторлар, дренажлар қўрилиб кетгани натижасида ер ости сувлари кўтарилиб, минглаб гектар ерларни шўр босди. БевоСИТА Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолиги билан қишлоқ ҳўжалигида юзага келган бундай ташвишли аҳволни бартараф этишга киришилди. Пировайда 2001-2007 йиллар мобайнида вилоят ҳудудига кучли ва ўртача шўрланган 15 миң гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Жорий йилда вилоятимизда қариб 460 миң тонна пахта ва 800 миң тонна-

дан ортиқ галла етиштирилганлиги ана шу тадбирларнинг амалий натижасидир. Давлатимиз раҳбари шу йили Сирдарё ва Жиззах вилоятлари фермерлари билан мулоқот чоғида мелиорация ишларини яна-

Дил сўзи

да жонлантириш зарурлигини таъкидлаган эди. Кеча матбуотда эълон қилинган Президентимизнинг «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони деҳқоннинг аини кўнглидаги иш бўлди. Чунки бугунги кунда мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалик тизими олдига қўйлаётган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун ердан самарали фойдаланиш, уни асраш, авайлаш талаб қилинади. Ҳозир

6563 километрлик зовур-дренаж тармоқларининг ҳолати қониқарсиз, деб баҳоланмоқда. Уларни тартибга келтириш эса 67 миң гектар экин майдонининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш имконини беради.

Сир эмас, бу тадбирлар жуда катта миқдорда молиявий сарф-харажатларни, замонавий техника воситаларига эга бўлишни талаб қилади. Шу маънода, Фармонда айтилгандек, сув ҳўжалиги ташкилотлари ва сурдан фойдаланувчилар уюшмаларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланиши, мелиорация техникаси саройи янгиланиши, Молия вазирлиги ҳўзурида Сурғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси ташкил этилиши аини мудио бўлди.

Фармонда кўзда тутилган кенг миқёсдаги тадбирлар вилоятимизда ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, қишлоқ ҳўжалиги экинларидан муттасил мўл ҳосил олинишини таъминлаш имконини беради.

Ботир РАҲИМОВ,
«Аму-Қашқадарё» ирригация тизими
ҳавза бошқармаси бошлиғи.

Жараён ҚИШЛОҚДАГИ ИЖОБИЙ ЎЗГАРИШЛАР

бугун ёшларнинг фаоллиги билан чамбарчас боғлиқ

— Намоз биздан зўр чиқди, пахта тайёрлаш шартнома режасини сентябрь ойининг бошидаёқ бажариб қўяпти. — дейди Абдуназар бобо ўғли-деди Фахриддингай бўлиб. — Чунки у — фермер, янги замоннинг одами-да.

Абдуназар бобонинг ўзи ҳам анави деҳқонлардан эмас эди. Ҳўзаннинг пешонасини силаб, унга меҳрини бериб ишларди. Кузнинг охири, ҳатто қишгача пахта терарди.

Угли Намоз эса пахтани август ойидаёқ пишириб қўяди. Бир теримнинг ўзига гектар ҳисобига ўттиз центнердан ошириб ҳосил йиғади. Сабаби, у энди шунчаки сувчи ёки бригадир эмас. У — фермер. Гап ўргатиш ортиқча унга. Ер, трактор, даромаду бурмад — ҳаммаси ўзиники. Техникасининг соз-носозлигию даланинг бошқа ишларидан ҳам кўра, шу қоракўз ишчиларининг иссиқ-сувугидан алағда. Томорқасига экин экилганини, соғин сиғири борми — барисини суриништиради. Қўмақлашади. Шу

тарика улар бир-бирларига суяниб яшайдилар. Қўлни-қўлга бериб ишлайдилар. Ишлари бароридан келаятганнинг боиси шунда.

Мен Фаизи Маматмуродов деган яна бир одамни биларман. Қариб ўттиз йил мобайнида турли раҳбарлик лавозимларида ишлаган, ол эра-сида «уста пахтакор» деб ном қозонган. Шу йилнинг бошида у раҳбар бўлган «Беш қаҳрамон» ширкатининг ерлари фермерларга тақсимлаб берилди. Фаизи аканинг қайси-дир бир кичик маҳмада ишлаб турган Турғубой угли ҳам «Фермер бўларман» деб руҳсат сўради.

— Деҳқоннинг иши аъёнлигининг юмушидан қийин. Тоғ, чўқи узокдан кўркам кўринади, — деди ота. — Ишлайин, — деди Турғубой ярим ялиниш ярим қатияят билан. — Ернинг нафас олишини, юрак уришини билган ишлай олади, — деди ота.

— Йўқ, ишлайин, — деди ўғил бу гал янада қатъиятлик қилиб. Гап ўғил айтгандай бўлди.

54-модда. Мулкдор мулкка ўз ҳошияча эгаллик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.

Иш ота айтгандай кечди. Турғун товоилари қабаиб, олкалари кўшди куйиб ишлади. Қовун туширмайин деб, харака қилди. Харакати эое кетмади. Ёш фермернинг 21 гектарлик даласидан биринчи теримнинг ўзидек ўттиз саккиз центнердан ҳосил чиқди. Режа бажарилган кун Фаи-

зи Маматмуродов далага келди. Уттиз йил чигит экиб, ўзи бунчалик севхосил экин ўстиролмаганини ўйлади.

— Ана шу қўлуг жабҳада ёшларнинг энг шимариб тургани кўнглини хушнуд этади, — дейди Қумқўрган тумани ҳокимлиги қишлоқ ва сув ҳўжалиги бўлими бошлиғи Абдурашид Мирзаев. — Туманимизда, масалан, пахта етиштирадиган 498 фермер бўлса, шуларнинг ақсарияти — ёшлар. Дўппини бошда бир айлантиргунга қадар шартнома режасини бажариб қўйиб, юқори ҳосил олаётганлар ҳам ёшлардир. Мисол учун, собиқ «Камолот» ширкат ҳўжалигини олиб қўрайлик. У «орқа оёқ»қа айланган эди. Сурункасига ўн йиллар мобайнида режа ижроси таъминланмади. Бир йилда учта раис алмашса-да, ўзгариш бўлмади. Бугун ёш фермерлар «Камолот»ни қолоқлик ботқонидан олиб чиқиди. Улар қишлоқлик тенг-қўрларини ўз сафарига тор-

тишмоқда. Фермерлик меҳнатга меҳр уйғотиш мактабига айланмоқда. «Гулистон МНЗ» фермер ҳўжалиги бошлиғи Абдуваппол Нейматов, айтايлик, қариб 200 гектар майдонда мўл галла ва пахта ҳосили етиштиради. Балиқчилик, паррандачилик, чорвачилик тармоқлари ҳам бор. Техника воситалари эса собиқ «Камолот» ширкат ҳўжалигиникидан икки баравар кўп.

Фаизи Маматмуродов айтгандай, тоғ ва чўқилар узокдан кўркам кўринади. Бироқ кўркам кўринганининг ўзи бир хикмат. Шу хикмат сир-жозибаси одамларни ва, айниқса, ёшларни йўлларга чорлайди, қурашларда тоблайти. Негаки, ёшлар сеҳрли манзилларга ошиқиб, уларни забт этишга интилиб яшайдилар. Эзгу муродларига ҳам етадилар. Қумқўргонлик ёш фермерлар фаолияти буни тасдиқлаб турибди.

Олимжон УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Киноанжуман

ҲУҲЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР НАМОЙИШИ

Кеча пойтахтимизда Марказий Оснб ҳўжаатли фильм усталарининг III миңтақавий анжумани иш бошлади. Тадбир «Ўзбекино» Миллий агентлиги, Швейцария элчихонасининг ҳамкорлик бюроси ва Гёте институтининг Тошкент филиали томонидан ташкил этилган.

— Мазкур киноанжуман Ҳамдўстлик давлатлари, Марказий Оснб ва Европа киноусталарининг иккунчи ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, уларнинг ўзаро таърибга алмашинида муҳим аҳамиятга эга, — дейди анжуман директори Шўрат Маҳмудов. — Беш кун давомидида фильмлар намойиши ва уларнинг муҳокамаи, киностандунинг савол-жавоб таразидида мусохабалари бўлиб ўтади.

Анжуман дастурига кўра намойиш этилаётган ўзбек, немис, қозоқ, киргиз, туркман ва тожиқ киноусталарининг ўзига хос талқинидаги ҳўжаатли фильмлари томошбинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

М. АНВАРОВА.

ЎЗАРО ФОЙДАЛИ УЧРАШУВ

29 октябрь куни Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори А.Орипов «Корея Телеком» корпорацияси президенти Нам Жунг-Су билан учрашди.

Учрашув чоғида томонлар ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги янги йўналишлар бўйича икки томонлама ўзаро фойдали ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама этидилар.

Ўзбекистонда хорижий инвесторлар учун қўлай инвестиция муҳити, кенг қўламли ҳўқуқий қарғалатлар ва имтиёзлар тизими яратилгани туфайли «Корея Телеком» ва «Сумитомо Корпорэйшн» (Япония) трансмиллий корпорациялари биргаликда «East Telekom» қўшма корхонаси акцияларининг 85 фоизини сотиш олоқда. Корхонанинг 15 фоиз акциялари «Ўзбектелеком» акционерлик компаниясига тегишлидир.

«East Telekom» қўшма корхонаси Ўзбекистонда келгуси авлод тармоқлари (NGN) технологиялари ва ечимлари бўйича хизмат кўрсатадиган биринчи алоқа оператори ҳисобланади. Қўшма корхона фаолиятининг асосий йўналишлари замонавий телекоммуникация хизматлари, шу жумладан, рақамли телефония, интеллектуал алоқа тармоғи хизматлари кўрсатиш, шўнунгдек, маълумотлар узатиш, рақамли алоқа каналларини ижарага бериш, виртуал хўсусий

тармоқлар ва Интернетдан тезкор фойдаланишни ташкил этишдан иборат.

1982 йилда тузилган ва йиллик маблаг айланмаси 12 миллиард АҚШ долларини ташкил этадиган «Корея Телеком» корпорацияси бугунги кунда Осиёдаги энг йирик алоқа операторларидан биридир. Жанубий Кореяда маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро алоқа, шўнунгдек, маълумотлар узатиш хизматларини тақдим этадиган энг йирик ҳамда технология жиҳатдан яхши таъминланган телекоммуникация тармоғи ҳам ушбу корпорацияга қарашлидир.

«Сумитомо Корпорэйшн» корпорацияси эса Япониянинг энг қадимий савдо-саноат тузилмаларидан бири — у 1919 йилда ташкил этилган. Корпорация иқтисодийнинг кўпгина тармоқларида, шу жумладан, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ҳам фаолият юритади. «Сумитомо Корпорэйшн»нинг йиллик маблаг айланмаси 22 миллиард АҚШ долларидан зиёддир.

Шўнунгдек, учрашувда томонлар «East Telekom» тармоғини катта имкониятларга эга СИМСИЗ WIMAX технологияси базасида янада ривожлантириш масалаларини ҳам муҳокама этидилар.

Бугун Ўзбекистонда телекоммуникация ва ахборот технологиялари соҳасида «Мобиль ТелеТизимлар», «Вимпелком», «Голден Телеком», «Huawei Technologies», «Telia Sonera» каби трансмиллий компаниялар фаолият кўрсатмоқда.

(ЎЗА).

«Техмакмато» — янги корхона

Самарқандда «Техмакмато» деб номланган янги корхона иш бошлади.

Матоларни бўяш, жило бериш билан шуғулланувчи ушбу корхона 400 нафар йигит-қизни ўз бағрига олди. Жанубий Корея ишбилармонлари билан ҳамкорликда ташкил этилган бу корхона учун зарур хом ашё маҳаллий корхоналар томонидан етказиб берилмоқда.

А. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

23 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

Мустақиллик йилларида Ватанимизда ўтказилган кенг қўлми ишловлар, янгилик ва ўзгаришлар жараёни жамиятнинг демократлаштириш, аввало, фуқароларнинг давлат бошқаруви аналга оширишдаги реал иштирокини таъминловчи ҳуқуқий қарорлар тизимини яратишга қаратилган.

қараб белгиланган доирада округ сайлов комиссияси томонидан кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин. Ўзбекистоннинг ҳар қандай давлатлардаги ваколатхоналарида тузилган сайлов участкаларида участка сайлов комиссияси раиси вазифасини мазкур ваколатхона раҳбари бажаради. Унинг тарихи ва аъзолари Таш-

қараб белгиланган доирада округ сайлов комиссияси томонидан кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин. Ўзбекистоннинг ҳар қандай давлатлардаги ваколатхоналарида тузилган сайлов участкаларида участка сайлов комиссияси раиси вазифасини мазкур ваколатхона раҳбари бажаради. Унинг тарихи ва аъзолари Таш-

МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ ЙИГИЛИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Йиғилишда диний экстремистик, ақидадарастлик материалларини тартиб-тартиб билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларига алоҳида тўхталиб, уларнинг олдини олишга қаратилган кескин чора-тадбирлар кўриш, бу борада идоравий ва прокурорлик назоратини янада кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Шу билан бирга, жиноят ишлари бўйича ҳақиқатни аниқлаш ҳамда айбдор шахсларга нисбатан жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш мақсадида тергов-тезкор ҳаракатларнинг самарадорлигини ошириш, терговни асоссиз тўхтатиш ҳолига чеқ қўйиш, қидирувдаги шахсларни ушлашда қонунда белгиланган ваколатлардан самарали фойдаланишга қаратилган тадбирларни янада кучайтириш лозимлиги қўриб олинди.

Бош прокуратура матбуот хизматидан маълум қилинишича, йиғилишда одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олишга қаратилган профилактик фаолият жараёнида йўл қўйлаётган камчиликларга алоҳида эътибор қаратилган. Жойларда вояга етмаган ишлари бўйича комиссиялар, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар

Бехзод НОҲОБОВ, ЎзА мухбири.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва эндокринология илмий-тектириш институти ҳамкорлигида қандли диабет ҳасталигининг олдини олишга бағишланган ойлик эълон қилинди. Жорий йилнинг 20 ноябрга қадар давом этилган мазкур тадбир 14 ноябрь — Халқаро диабет куни муносабати билан ташкил этилган.

ОЛДИНИ ОЛГАН АФЗАЛ

Республика Хотин-қизлар қўмитасида шу муносабат билан ўтган матбуот анжуманида тадбир давомида амалга оширилган кўзда тутилган режалар хусусида сўз борди. Инсон саломатлигига ҳавф солишчи ҳасталикнинг олдини олиш ниятида муҳим масалалар.

Эълон қилинган ойликнинг мақсади ҳам мамлакатимиздаги барча ўқув юртли, коллежалар, жомат ташкилотлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари ва ҳарбий қисмларда махсус ўқувлар ташкил этишни кўзда тутиди. Ушбу тадбирлар доирасида давра суҳбатлари, семинар-тренинглари, спорт марафонлари ва турли шоу-дастурлар ўтказилди.

Муборак ОХУНОВА, "Халқ сўзи" мухбири.

ЭКОЛОГИЯ ВА БАҲҚАРОР РИВОЖЛАНИШ

Пойтахтимизда Марказий Осиё минтақасида экологик ҳавфсизлик ва баҳқарор ривожланиш таъминлашга бағишланган халқаро конференция бошланди.

Тадбир Ўзбекистон Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ҳамда Европада Ҳавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг иктисодий ва атроф-муҳитга оид фаолиятини мувофиқлаштирувчи бўлими томонидан ташкил этилди. Унда йиғирмага яқин давлатдан олимлар, соҳа мутахассислари ва экспертлар иштирок этишди.

Ўзбекистон қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазири С. Исмоилов Президентининг Исрол Каримов раҳномалигида мамлакатимизда хўагининг барча соҳаларида бўлгани каби, аграр тармоқда ҳам илчил давом этирилишига кенг қўлми ишловлар эътиборини қўйди. Чорвачилик, деҳқончилик ва тайёрланган мева-сабзавот, узум каби маҳсулотларни қайта ишлаш борасида илгор ютуқларга эришилмоқда. Соҳага илгор технологияларнинг кенг жўлб этилаётгани атроф-муҳит муҳабфоти ва экологик мувозанатни изчил таъминлаш имконини бермоқда.

Бирок тоталитар тузум даврида нўтўри юртидан хўжалик фаолияти оқибатида айрим ҳудудларда сизот сувларининг кўтарилиши ва ерларнинг турли даражада шўрланishi содир бўлди. Шу боис сув ресурсларини тежўайдиган технологияларни янада тажўимлаштириш ва улардан фойдаланишни кенг омаллаштириш зарур. Анжуманда ер ва сув ресурсларидан оқулна фойдаланишни янада яхшилашга қаратилган илгор технологияларни жўлб этиш, ишлаб чиқариш жараёнида яхлитлигини таъминлаш ҳамда бу борада халқаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид мавзўларда мўаъзалар тингланади, ўзаро фикр алмашилади.

Сўйра ШОЕВА, ЎзА мухбири.

УЧАСТКА САЙЛОВ КОМИССИЯСИ

фуқароларнинг хўшиш-иродасини эркин билдиришларида муҳим ўрин тутати

ди. Округ ва участка сайлов комиссиялари таркибига жамоатчилигининг обрўли вакиллари тавсия қилинади. Комиссия аъзоллигига турли соҳа ва миллат вакиллари кириши мумкин.

қурилиб, у асосли бўлса, рўйхатга ўзгариш киритилади, агар сайловчилар талаби нўтўри бўлса, унинг талабини рад этиш ҳўқидаги сайлов комиссиясининг асосланган қарори ёзма равишда сайловчига берилди.

Сайловчилар рўйхати билан танишиш чоғида фуқаро рўйхатга кирмаганлигини, рўйхатдан чиқариб ташланганлигини ёки рўйхат нўтўри тузилиб, ёки фамилияси, исми, отасининг исми, тутилган йили ва оий, турар жойи ҳўқидаги маълумотлар нўтўри қўрсатилганлигини аниқласа, бу ҳўқида шу сайлов комиссиясига шикоят билан

қурилиб, у асосли бўлса, рўйхатга ўзгариш киритилади, агар сайловчилар талаби нўтўри бўлса, унинг талабини рад этиш ҳўқидаги сайлов комиссиясининг асосланган қарори ёзма равишда сайловчига берилди.

Сайловчилар рўйхати билан танишиш чоғида фуқаро рўйхатга кирмаганлигини, рўйхатдан чиқариб ташланганлигини ёки рўйхат нўтўри тузилиб, ёки фамилияси, исми, отасининг исми, тутилган йили ва оий, турар жойи ҳўқидаги маълумотлар нўтўри қўрсатилганлигини аниқласа, бу ҳўқида шу сайлов комиссиясига шикоят билан

Сайловчилар рўйхати билан танишиш чоғида фуқаро рўйхатга кирмаганлигини, рўйхатдан чиқариб ташланганлигини ёки рўйхат нўтўри тузилиб, ёки фамилияси, исми, отасининг исми, тутилган йили ва оий, турар жойи ҳўқидаги маълумотлар нўтўри қўрсатилганлигини аниқласа, бу ҳўқида шу сайлов комиссиясига шикоят билан

Сўрат НАЙИМОВ, Амалдаги қонун ҳўжатларини мониторинги институти бош илмий хўдим.

ПОЛВОНЛАРИМИЗ ДУНЁДА БИРИНЧИ



Мўғулистонда миллий спортимиз — кураш бўйича ўтказилган VI жаҳон чемпионатида мувафқиятли қатнашган полвонларимиз Тошкент халқаро аэропортида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида катта тантана билан қутиб олинди.

Уч кун давом этган мўсабақда Россия, Франция, Болгария, Греция, Украина, Туркия, Беларусь, Бразилия, Нигерия, Янги Зеландия, Япония, Жанубий Корея, Эрон, Покистон, Қозоғистон, Турманистон, Мўғулистон, Ўзбекистон каби жами дунёнинг 40 дан ортўк мамлакатлари спортчилари медаллар учун курашди.

Аҳамиятлиги, бу сафарги мўсабақларда ҳам ўзбекистонлик полвонлар ўзларининг кўчи эканиликларини намойиш этидилар. Жўмладан, курашчиларимиздан Фуракат Маматов (60 кг.), Олим Равашов (66 кг.), Равашон Маҳмудов (81 кг.), Шерали Жўраев (90 кг.), Икром Нуруллаев (100 кг.), Давлат Чориев (мултлақ ваъзда) жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлдилар. Қизлар ўртасидаги бахсларда Мўҳаддас Қўббаева (48 кг.) кўмуш, Машхўра Мавлонова (+63 кг.) бронза медалларини қўлга киритдилар.

Умўжамоа ҳисобида Ўзбекистон терма жамоаси биринчи, Мўғулистон курашчилари иккинчи, Эрон полвонлари учинчи ўриндан жой олди.

З. ЖОНИБЕКОВ, "Халқ сўзи" мухбири. Мўҳаммад АМИН (ЎзА) олган сўрат.

Бугунги кунда халқимизга азалдан хос бўлган ҳўмжўхўлик ва бағрикенглик, меҳр-оқибат, меҳмондўстлик ва саҳоват каби инсоний фазилатлар янада ёрқин намўён бўлмоқда ва бундай мағнавий муҳит одамларнинг руҳи ва кайфиятига шўбий таъсир кўрсатмоқда.

Исрол КАРИМОВ.

ҚУДРАТИМИЗ — АҲИЛЛИКДА, ҲАМЖИҲАТЛИКДА

Самимий кўнгил мамнуниятини билан нўрланиб турган ушбу сўзларни биз Президентимизнинг Ўзбекистоннинг 16 йиллик мўстақил тараққий йўлига бағишланган дастурий аҳамиятли маърузасидан келтирдик. Дарҳўжат, кўп миллатли ва кўп динли Ўзбекистон халқининг ҳўмжўхўлиги, ўзаро меҳр-мураббатчилиги мўстақиллик йилларида босиб ўтилган 16 йиллик тараққий йўлининг энг нўдир ҳўрақларидан биридир.

Мамлакатимизда мўстақиллик даврида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ошқ демократик давлат берпо этиш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш — Ўзбекистондаги тараққийнинг бўй йўли ва истиқболли сифатида танланди. Бу энг тўғри ва энг адолатли ҳўаий қарор эди. Бундай давлат ва жамият шароитида бутун халқ ҳамда ҳар бир фуқаронинг ҳўқ-ҳўқлари ва манфаатлари — энг олий қадрият ҳисобланади. Пировадидда бундай давлат ва жамият бағрида турли миллатлар, элларнинг ўзига хос маданияти, тили, ўрф-одатлари ва аъёнани ҳамда диний эътиқодлари чўр ҳўрмат-эътибор топади. Демократик давлат ва фуқаролик жамияти — бутун кўп миллатли Ўзбекистон халқи яқдиллик билан танлаган тараққий йўлидир.

Нўжўят, бу борадаги яна бир қудратли ва мафтўнкор омил тўғрисида ҳам, албатта, тўхталиб ўтишимиз дарк. Бу омил — мўстақиллик даврида бутун Ўзбекистон халқининг муштарақ мақсад ва орзу-интильшларини ўзўда мўжассам этган ҳамда миллий истиқлол мафтўрасининг бос қандалирига айланган — Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигига эришиш тўғрисидаги гоьларидир. Улар — миллати, тили, динидан қатъи назар, ҳар бир ўзбекистонлик учун азиз ва табаруқ бўлган мақсадлар ҳисобланади. Кўп миллатли халқимизни ана шу гоьлар мислсиз бунёдкорлик йўлида бирлаштириди ва ҳар биримизда эртанги кунга ишонч ўйотмоқда.

Яқинда мамлакатимизда истиқлол қўлабтан эшик қорейсар Ўзбекистонда яшўвтанлигининг 70 йиллиги юртимизда кенг нишонланди.

Михил САФАРОВ.

Хўзири кунда Ватанимизда 130 дан зиёд миллат ва элларнинг вакиллари истиқомат қилади. 16 та конфессияга мансўб диний ташкилотлар фаолият юртимокда. Бундай давлатда етти ўлаб бир кесилган, гоьтада инсоний ва истиқболли миллий сўбат олий борилиши ҳўт тақрўсидир.

Президентимиз раҳномалигида Ўзбекистонда миллатлар ва динлараро муносабатларни энг оқулна ҳўаий асосларда изга тушириб ва тобора тақомиллаштириб борувчи ана шундай сўбат ҳамда давлат бошқаруви қадор топган ва бу сўбат изчил бир қатъият билан амалга ошириб келинмоқда.

Халқимизнинг аҳилиги, муштарақ мақсад-манфаатлар билан яшўвтанлиги "Ўзбекистон — умумий уйимиз", "Шу азиз Ватан — барчамизники", "Ватан яғондир, Ватан битадир" деган табаруқ руҳи ва эзгу маъноли ҳўжматлари дунёга келтирди. Бундай қарашлар ҳар бир ўзбекистонликнинг кўб нўдоси, истиқлол даврида шаклланган ва ҳўдта тобора теран илдиз

ла рағ-баранглигининг бугунги мафтўнкор уйўнлигига ана шундай мурақаб сўноб йўллариин бошидан ўтказиб етиб келди ва дадил олдинга оқимламоқда.

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ турли миллатлар ва мавжуд диний эътиқодларнинг эмин-эркин ривожланиши ҳамда давлат сўзчилигини қафолловчи мўстақам ҳўқий-қўнўнлик асослари яратилди. Ҳўбимизнинг Бош Қомўси — Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мамлакатда тинчлик ва бағрқарорликни сақлаш, фуқаролар, миллатлар ва динлараро ҳўмжўхўликни мўстақамлаб бориш устувор қўдалардан бири сифатида мўрланди. Жўмладан, Конституциямизда шундай дейилади: "Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элларнинг тили, ўрф-одатлари ва аъёнани ҳўрмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратди" (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, биринчи бўлим, биринчи боб, 4-модда). Ўзбекистон Республикаси Олий Мақлиси томонидан 1998 йилнинг мей ойида қабул қилинган янги тағрирдаги "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонунда эса миллатларнинг буюк инсонпарварлик фазилати — турли диний эътиқодларга бағрикенглик

муш тарзимиз асосларига қарши зимдан турли филна ва ҳўруқларни ушўтирдилар. Ҳўдди шундай қабўқ ниятлар билан Қўвасойда, Фарғона ва Қўқонда, Бўка ва Паркентда, Тошкент ва ўшда содир этилган фожали воқеаларни сира унут олмаймиз.

Ҳў, Ўзбекистон ўзининг бугунги кунига, тинчлик-тотувлик ва бунёдкорликлар билан беъзанган бугунги ҳўбига, турли миллатлар, эллар ва дин-

Яхши хабарлар

ҲАЗОРАСЛИНИНГ ДЕҲҚОН БОЗОРИ

Ҳазорасп тумани марказида янги деҳқон бозори ишга туширилди.

Бозорда икки минг ўринга мўлжалланган усти ёпик савдо расталари, 35 та қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ва 40 та озиқ-овқат маҳсулотлари сотиладиган дўкон ўрин олган. Шунингдек, бу ерда йилнинг тўрт фаслида ҳам маҳсулотларни сифатли сақлашга мўлжалланган катта омбор мавжуд. Яратилган бундай шароитдан сотувчилар ҳам, харидорлар ҳам хурсанд.

Ушбу кўркам бозор қурилишига 1,5 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Ойбек РАҲИМОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

НАЙМАНЛИКЛАР ҚУВОНЧИ

Бувайда туманининг Найман қишлоғида қисқа вақт ичида тиббиёт маркази қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Шифо масканида аҳоли саломатлигига хизмат қиладиган барча шарт-шароит мавжуд. Лаборатория, болалар стоматология бўлими, шаҳар шифоналаридагидан асло қўлишмайди.

Мазкур шифо маскани туманининг қишлоқ жойларида бунёд этилган шифоналарнинг йиғирманисидир.

Нобижон СОБИР, "Халқ сўзи" мухбири.

ЭҲТИЖМАНЛАРГА ИЖРА

Шофиркон тумани ижтимоий таъминот бўлими қўшида эҳтижман фуқароларга реабилитация техник воситаларини вақтинчалик фойдаланишга берувчи пункт иш бошлади.

Зарур маблағ ажратилиб, бу ерга ногиронлик аравачалари, эшитиш мосламаси, қўлтиқабчи каби зарур жиҳозлар келтирилди.

Олдинкор Қоракўл тумани ҳамда Когон шаҳрида ҳам худди шундай пунктлар ташкил қилинган эди.

Истом ИБРОҲИМОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

«САҲОВАТ»НИНГ НОНИ ШИРИН

Косон туманидаги «Саховат» қорхонасида бир кеча-кундузда 14 минтагача нон пийриштирилди.

Нон — нўяматлар султони, — дейди қорхона бошлиғи Ором Мамашарипов. — Уни сифатли, ҳўшўама қилиб пийришиб, эл дастурхўнига тортиқ қилишининг ўзи катта шараф. Биз шунинг учун ҳам маҳсулот сифатини мўтазаам назорат қилиб борамиз. Буюртмачиларимиз эса меҳматини маҳсулудан хурсанд.

Бўри НОҚОБИЛОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Тақдимот



ИШБИЛАРМОНЛАР
УЧУН ЖУРНАЛ

Шу пайтгача МДХ давлатлари орасида сифат менежменти масалаларига доир махсус нашр факат Россиядагина мавжуд эди. Энди бундай йўналишдаги махсус журнал Ўзбекистонда ҳам чоп этила бошланди. Пойтахтнинг «Мовароуннахр» кўчасидаги «Пойтахт» меҳмонхонасида ишбилармонлар учун мулкдорларга ана шу янги нашр — «International magazine of MANAGEMENT» журнаlining тақдимот маросими бўлди.

Ушбу нашрнинг долзарблиги шундаки, икки ва ташқи бозорда рақобат кўнраги ҳозирги шароитда республикамиз корхоналарида сифат менежменти тизимларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш бўйича фаолият алоҳида аҳамият касб этаётган. Мазкур вазифани ҳал этишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2004 йилнинг 22 августда қабул қилинган «Корхоналарда халқаро стандартларнинг жорий этилиши билан боғлиқ янгиликларни омма-лаштириш, соҳада ўзаро тажриба алмашишга қўмаклашди, бизнес юри-тишни такомиллаштириш ҳамда уни бошқариш бўйича самарали услубларни қўллаш юзасидан тўланган илгор тажрибаларни шарҳ-лаб боради.

Нашрни ташкил этишда республикамизнинг бир қатор йиллик компаниялари ҳамда корхоналари, айни пайтда халқаро микёсдаги айрим сифат менежменти фонлари ва тадқиқот мар-казлари ўзаро ҳамкорлик қилмоқдалар.

Журнал бир йилда тўрт марта рус тилида чиқади. Ҳозирча тўрт минг нусхада чоп этилаётган ушбу нашр Ўзбекистон ва Жанубий Козогистонда тарқатил-моқда.

М. МУҲАММАДУҚУЛОВ.

ТАЪЛИМ ВА ИЛМ-ФАН ЮНЕСКО БОШ АНЖУМАНИНИНГ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

Шу кунларда Парижда ЮНЕСКО Бош конференциясининг 34-сессияси бўлиб ўтмоқда. Мазкур анжуман ташкилот аъзоси бўлган 193 давлат иштирокида ҳар икки йилда бир маротаба чакрилади.

Бу галги сессия тадбирлари доирасида назарда тутилган ялпи мажлис, таълим мавзусига бағишланган вазирлар даражасидаги давра суҳбати, Ешлар форуми, Фуқаролик жамияти халқаро анжуманида қатор мам-лакатларнинг давлат, ҳукумат етакчилари ва делегация раҳбарларининг маърузалари тингланиси режалаштирилган. Шунингдек, илм-фан, таълим ва маданият тараққиётининг муҳим масалаларига бағишланган мин-тақавий ва тармоқ семинари ҳамда конфе-ренцияларини ўтказиш ҳам кўзда тутилган. Бундан ташқари, сессияда 2008-2013 йил-ларда ЮНЕСКО ўрта муддатли стратегияси, 2008-2009 йилларда ЮНЕСКО нишонлайди-ган саналар рўйхати, ташкилотнинг 2008-2009 йиллардаги бюджети масалалари кўриб-чиқилди.

Анжуманнинг очилиш маросимида ЮНЕСКО 33-Бош конференцияси раиси Жав-фар бин Ҳасан, Икромия Кенгаши раиси Ж.Зи-шенг ва Бош директор К.Мацура маъруза қилди. Уларда Бош конференция икки йил-лик фаолиятининг сарҳисоби тингланди, таш-килотнинг дунёда эзгу гоилар ва қадрият-ларини илгари сурши бўйича фаолиятига баҳо берилди, ЮНЕСКО шафелигида халқаро микёсда амалга оширилган муҳим лойиҳа-лар ва катта аҳамиятли тадбирлар таъкид-ланди.

ЮНЕСКО Бош конференцияси 34-сессия-сининг раисини сайлаш чоғида Грециянинг

мазкур ташкилот ҳузуридаги доимий вакили Георгюс Анастасопулос номзоди бир овоз-дан маъқулланди.

Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов бош-чилигидаги мамлакатимиз делегацияси ҳам иштирок этди.

Ўзбекистон делегацияси раҳбари анку-маннинг ялпи мажлисидаги маърузасида

Дунё нигоҳи

мамлакатимизда Президент Ислам Қаримов раҳбарлигида иқтисодий ҳаётнинг барча со-ҳаларида республика фуқароларининг фаро-вонлиги ва ҳар томонлама ривожланишини юксалтиришга йўналтирилган, демократик фу-қаролар жамияти қуриш юзасидан олиб бори-лаётган кенг қўламли ўзгаришлар тўғрисида сессия иштирокчиларига маълумот берди.

Шунингдек, у кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга муваффақиятли татбиқ қилиш ва таълим тизимини ислоҳ этиш бўйи-ча Ўзбекистон ҳукуматининг саъй-ҳаракат-ларига алоҳида тўхтади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ўртасида ўрнатилган самарали ва ҳар то-монлама ҳамкорлик алоҳида таъкидланди.

Жорий йилда ЮНЕСКО шафелигида Ўзбе-кистонда ва жаҳоннинг қўлаб шаҳарларида Самарқанднинг 2750 йиллик ва Марғилон

шаҳрининг 2000 йиллик юбилейлари кенг нишонланди. Самарқанд шаҳрида маданий хилма-хиллик ва маданиятлараро мулоқот-ни, миллатлараро тотувлик гоиларини ўзда муҳассам этган «Шарқ тароналари» VI халқ-аро мусика фестивали катта муваффақият билан ўтди.

Анжуман иши кунлари мамлакатимиз деле-гацияси «Таълим ва иқтисодий тараққиёт» мавзусидаги давра суҳбатида иштирок этди.

Ташриф довомида Ўзбекистон делегация-сининг ЮНЕСКО Бош котиби К.Мацура, ташкилотнинг қатор идора ва бўлималари раҳбарлари, шунингдек, айрим хорижий дав-латларнинг делегациялари раҳбарлари билан бўлган учрашувлари чоғида маданият, таълим ва илм-фан соҳасидаги ўзаро ман-фаатли ҳамкорлиқни ривожлантириш маса-лалари муҳомама этилди.

Шунингдек, 3 ноябрга қадар давом эта-диган Бош конференция 34-сессияси дои-расида «ЮНЕСКО шериклари» мавзусига ба-ғишланган Фуқаролик жамияти халқаро фо-румни ҳам ўтказилди.

Бундан ташқари, Бош конференция иши довомида ЮНЕСКО бош қароргоҳида «Ер кўраси: қонотдан назар» кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазма Ер сайёраси халқаро йил-и тўғрисида олдиндан хабар бериши бароба-рида мазкур халқаро ташкилотнинг барка-рор ривожланиши ва иқлим ўзгаришларига оид тадбирлари ҳақида ҳикоя қилади.

М. ҲУБОВ,
«Жаҳон» АА мухбири.
Париж.

«КАМОЛОТ» ШАХМАТ ТАХТАСИ»

Жиззахда «Камолот» ёшлар иқтисодий ҳаракати Марказий кенгаши соврини учун ўтказилаётган шахмат турнирининг вилоят босқичи якунланди.

«Камолот» шахмат тахтаси» деб номланган мусобақада туман ва шаҳар босқичларида муваффақия-ят қозongan 12 та жамоа аъзолари гоилик учун дона сурди. Якунда Жиззах шаҳри вакиллари Шў-рат Абдуҳаликов (14-16 ёш), Санжар Юсупов (17-18 ёшлар гоилик) 14-16 ёшли қизлар ўрта-сидаги беллашувда ҳам шаҳар жамоаси вакили Назира Ҳамидова биринчи ўринни эгаллади.

Гоиликлар ноябрь ойида бўладиган республика босқичида иштирок этишади.

Б. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



ХУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

Тошкент шаҳар С.Раҳимов тумани, М.Ўрозбоев кўчаси, 1-«А» уйда жойлашган **РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ** навбатдаги аукционига марҳамат!

2007 йилнинг 20, 27 ноябрь ва 4, 11, 18 декабрь кунлари соат 11.00 да савдога такоран қўйилган кўчмас мулк сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади:

Т/Р	Савдо объекти номи	Бошланғич нархи (сўм)	Суд ижросиси	Ижро ҳужжати №	Жойлашган манзили
1	«Кичкинтой» ОАЖга қарашли бино-иншоотлар, асбоб-ускуналари билан	1 342 523 000	Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳар суд ижросчилари бўлими	Тошкент вилояти хўжалик судининг 08.08.2006 й. 10-643-сонли ижро варақаси	Янгийўл ш., Низомий к., 16-уйда
2	«Кичкинтой» ОАЖга қарашли бино-иншоотлар, асбоб-ускуналари билан	332 059 520			Сирдарё шаҳрида

Шунингдек, қуйидаги кўчмас мулк бўйича аукцион савдолари 2007 йилнинг 3, 10, 17, 24, 31 декабрь кунлари соат 11.00 да ушбу кўчмас мулк сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.

Т/Р	Савдо объекти номи	Бошланғич нархи (сўм)	«FARANGIZ-SAVDO» МЧЖнинг 9 қаватли 39-сон ётоқхона биноси	«FARANGIZ-SAVDO» МЧЖнинг тугатув бошқарувчиси	Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2006 йил 2 майдаги 10-0608/4691-сонли ҳал қилув қарори	Тошкент ш., Юнусобод тумани, 19-мавзе, 39-уй
1		692 686 176				

* Ушбу ётоқхонада 27 та оила рўйхатга олинганлигини маълум қиламиз. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тўлаш тартиби билан, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» С.Раҳимов филиалидаги МФО: 09091, ИНН: 200933850, 20210000500571452105 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Кўшимча маълумотларни 228-7952 телефони ва www.rkmb.uz сайтидан олиш имкониятига эгасиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИ

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Давлат тест маркази (ДТМ) нострификацияга оид эксперт комиссияларининг йиғилишлари ва махсус синовлари жорий йилда қуйидаги жадвал бўйича ўтказилади:

Т/р	Эксперт комиссиялар	Махсус синовларнинг ўтказилиш вақти ва жойи	
		Ўзбекистон тарихи	мутахассислик
1	Ўқитувчилар тайёрлаш ва педагогика фанлари: • Андижон вилояти ўқитувчилари учун • Фаргона ва Наманган вилоятлари ўқитувчилари учун • Қолган ҳудудлар ўқитувчилари учун	11 ноябрь (Андижон ш.) 13 ноябрь (Фаргона ш.) 30 ноябрь (ДТМ)	
2	Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот	6 декабрь (ДТМ)	
3	Қишлоқ хўжалиги, инженерлик, ишлов бериш ва қурилиш тармоқлари	7 декабрь (ДТМ)	
4	Иқтисодиёт	25 декабрь	26 декабрь (ДТМ)
5	Ҳуқуқшунослик	27 декабрь	28 декабрь (ДТМ)

Хорижий давлат таълим муассасалари томонидан берилган дипломларни нострификациялаш учун Давлат тест марказига топширган фуқаролар махсус синовларнинг биринчи кун соат 8.00 да рўйхатдан ўтишлари шарт (Тошкент шаҳри, Ж.Обидова кўчаси, 12-уй). Рўйхатдан ўтмаган талабгорлар махсус синовларга қўйилмайди. Фуқароларда паспорт ва ДТМга ҳужжат топширилганлик ҳақидаги тилхат бўлиши керак. Андижон ва Фаргона шаҳарларида синовлар ўтказилиш жойи тўғрисидаги маълумот вилоят ХТБсидан олинади.

Синовлар соат 9.00 да бошланади.
Телефон: 134-46-83. Интернетдаги веб-сайт: test.uz

ХОРИЖИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЎҚИЁТГАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги қуйидаги ҳужжатлар нострификация қилинмайди:
— ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда (2003 йилдан кейин ўқишга кирганлар учун); экстернат; масофавий ўқиш шаклида олинган таълим тўғрисидаги ҳужжатлар;
— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг рухсатномаси бўлмаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият юритаётган (ўқишга кириш учун ҳужжатларини қабул қилаётган, ўқув жараёнини олиб бораётган) хорижий таълим муассасалари томонидан берилган таълим тўғрисидаги ҳужжатлар.

УЗОҚ ВА СОҒЛОМ ХАЁТ КЕЧИРИНГ!

Цинарикс

Комплекс таъсирга эга

- Организмдаги холестерин ва ёғ миқдорини камайтиради
- Ич қотиш ва қорин дам бўлиши
- Холецистит ва жигар касалликлари учун самарали восита!

Pharmed
Таркиби: артишок ўсимлиги экстракти
тел.: 175-75-00

Фармацевтика ва тиббиёт бўйича маълумотлар, шифокор маслаҳати
www.pharmed.uz миллий интернет сайтыда

Drive your way

Тел.: 250-11-11, 250-69-99, Факс: 250-55-99. Кафолат — 2 йил. Махсулот сертифициланган.

www.hyundai-motor.com

ХимПластАзия • • • Тоғ - Кон иши

ДИҚҚАТ, КЎРГАЗМАЛАР ЎТКАЗИЛАДИГАН САНАЛАР ЎЗГАРДИ!

2007 йил 6-8 ноябрь

КЎРГАЗМАГА ЭСНИ САНА КЎРСАТИЛГАН ТАКЛИФНОМАЛАР БИЛАН КИРИШ МУМКИН

Кўргазма ўтказиладиган жой: Ташкилотчилар:

Ўзэкспомарказ Тошкент

Тел.: +998 71 113 01 80
Факс: +998 71 152 51 64

«Ўзбекэнерго» ДАК жамоаси Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Эргаш Раҳматуллаевич Шонсиматова уқиси
Шоҳдулла ШОНСИМАТОВнинг вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Бадний ижодкорлар уюш-маси таниқли кино ва театр рассоми Бахтиёр Назаровга онаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи
Усманжон ая УМАРАЛИЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

ЎЗР ФА Математика ва информа-цион технологиялар институти жа-моаси академик Шокир Фармоновга акиси
Зокиржон ота ҚОСИМОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюрога Г — 956. 23333 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибнат 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров. Навбатчи — С. Раҳмонов. Мусаҳҳид — Ш. Маппраббоев.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.00
Тошхиралди — 22.30